

**Хуршид Каримов,**

Бош прокуратура Академияси  
кафедра бошлиги вазифасини бажарувчи



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-9-4>

## **ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ВАҚТ БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШ ДОИРАСИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада жиноят қонунини вақт бўйича амал қилиш доираси, қонуннинг вақт бўйича амал қилиши муддатини тўғри аниқлаш, жиноят қонунини орқага қайтиш кучига оид нормани қўллаш масалалари баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Жиноят таркиби, моддий таркибли жиноят, формал таркибли жиноят, вақт бўйича амал қилиш.

---

**Хуршид Каримов,**

Исполняющий обязанности начальника кафедры  
Академии Генеральной прокуратуры

## **ДЕЙСТВИЕ УГОЛОВНОГО ЗАКОНА ВО ВРЕМЕНИ**

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы связанные с действием уголовного закона во времени, правильным определением срока действия закона во времени, применением положения нормы об обратной силе уголовного закона.

**Ключевые слова:** Состав преступления, преступление с материальным составом, преступление с формальным составом, действие во времени.

---

**Khurshid Karimov,**

Acting Head of the Department at the  
Academy of the Prosecutor General's Office

## **THE ACTION SCOPE OF THE CRIMINAL LAW ON TIME**

**Annotation:** The article deals with issues related to the action of the criminal law on time, the correct determination of the duration of the law on time, using of the power of the setback rule of criminal law.

**Key words:** crime composition, material compositional crime, formal compositional crime, action on time

---

**For citation:** Khurshid Karimov. THE ACTION SCOPE OF THE CRIMINAL LAW ON TIME. Journal of Law Research. 2019, 9 vol., issue 1, pp. 25-29

---

---

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 13-моддаси жиноят қонунини вақт бўйича амал қилиш доирасини белгилайди.

Жиноят қонунини вақт бўйича амал қилишига оид қоида жиноят қонунчилигида муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур қоида ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарликка тортиш ёки жавобгарликдан озод қилиш қайси қонун билан ҳал этилишига оид тартибни белгилайди.

Жиноят кодексининг 13-моддасида қилмишнинг жиноийлиги ва жазага сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади деб мустаҳкамланган.

Жиноят қонунини вақт бўйича амал қилиш доирасини тўғри қўллаш учун жиноят қонунини амалда бўлиш даври ва жиноят содир этилган вақтни тўғри аниқлаш лозим.

2012 йил 24 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунининг 5-боби [1.lex.uz] норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилишига оид нормаларни мустаҳкамлаган. Жумладан, Қонуннинг 28-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазага тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги белгиланган. Қонуннинг 29-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар мустаҳкамланган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

"Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами", "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради деб белгиланган. Юқорида норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида кучга кириши муддати кўрсатилган мисол келтирдик.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг 33-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг вақт бўйича амал қилишига оид норма мустаҳкамланган. Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқача изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

---

---

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд унинг қисми қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар ёки ҳодиса юз бергунига қадар ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонун ҳужжатларига, ўтказилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларига, жамиятдаги барқарор ҳуқуқий муносабатларга мувофиқ бўлган тақдирда ҳужжатга (унинг қисмига) муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Юқоридагиларни умумлаштириб шуни қайд этиш лозимки, жиноят қонунини вақт бўйича амал қилишига оид нормани тўғри татбиқ этишда биринчи навбатда қонуннинг вақт бўйича амал қилиши муддатини тўғри аниқлаш лозим. Яъни, ҳали кучга кирмаган ёки кучини йўқотган қонунга асосланиб жиноят ишини кўзгатиш ёки жиноят ишини кўзгатишни рад этиш мумкин эмас.

Жиноят қонунини вақт бўйича амал қилишининг яна бир муҳим шarti бу шахсни жинoий жавобгарликка тортишда жиноят содир этилган вақтни аниқлаш ҳисобланади.

Агар Жиноят кодекси моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда Жиноят кодекси моддасида жинoий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жинoий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади.

"Жиноятнинг формал таркиб билан содир этилиш вақтини жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмишнинг бажарилиш вақтини белгилаш билан аниқлаш лозим. Моддий таркибли жиноятнинг содир этилиш вақти жиноят қонунида кўзда тутилган жинoий оқибатларнинг келиб чиқиш вақтини белгилаш билан аниқланади"[2, 24.б.].

Демак, формал таркибли жиноятларда ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилган вақт жиноят содир этилган вақт деб топилади. Моддий таркибли жиноятларда эса ижтимоий хавфли оқибат юз берган вақт жиноят содир этилган вақт деб топилади.

Формал таркибли жиноятда жавобгарлик масаласини ҳал этишда ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган жиноят қонуни қўлланилади. Моддий таркибли жиноятда эса жавобгарлик масаласини ҳал этишда жинoий оқибат юз берган вақтда амалда бўлган жиноят қонуни қўлланилади.

Агар жинoий ҳаракат бошланганда эски қонун амалда бўлган бўлса, аммо оқибат янги қонун кучга киргандан сўнг юз берса оқибат юз берган вақт жиноят содир этилган вақт деб топилади ва янги қонунга асосан жиноят учун жавобгарлик масаласи ҳал этилади. Агар эски қонун амалда бўлган вақтда жиноят тугаллангандан сўнг, янги қонун қабул қилинган бўлса эски қонун янги қабул қилинган қонунга нисбатан энгил бўлса эски қонун қўлланилади. Бу жиноят қонунини орқага қайтиш кучига эгалиги ҳақидаги қоидага асосланади. Яъни, Жиноят кодексининг 13-моддаси 2-қисмида қилмишнинг жинoийлигини бекор қиладиган, жазони энгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда

---

---

яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади деб белгиланган.

**Жиноят қонунини орқага қайтиш кучига оид нормани қўллаш учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:**

1. Қонун қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган;
2. Қонун жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган;
3. Янги қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахслар,
4. Жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар.

Демак, агар шахснинг содир этган қилмиши суриштирув, тергов, ишни судда кўриш, жазони ўтаётган вақтда ёки жазони ўтаб бўлиб аммо судланганлиги олиб ташланмаган ёки тугалланмаган вақтда янги қабул қилинган жиноят қонунини шахснинг содир этган қилмишини жиноийлигини бекор қиладиган бўлса, янги қонун нормаси қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 188-189-моддаларининг 1-2-қисмлари Жиноят кодексидан чиқарилди ва ижтимоий хавфлилигини йўқотди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 20-сонли "Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарори [3.lex.uz] Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2015 йил 13 ноябрдаги 18-сонли қарори асосида 13-3-банд билан тўлдирилди ҳамда дастлабки тергов органлари ва судлар Жиноят кодексининг 13-моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг аҳволини яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга эканлиги ҳақидаги талабларни оғишмай бажаришлари лозим эканлиги қайд этилди.

Шунингдек, мазкур қарорнинг 13-4-бандида Қонун кучга киргунга қадар Жиноят кодекси 188, 189-моддалари биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган, ишлари суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суднинг иш юритувида (биринчи, апелляция инстанцияларида) бўлган шахсларга нисбатан жиноят ишлари Жиноят-процессуал кодекси 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилиши, мазкур шахслар эса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатларга роя этган ҳолда маъмурий жавобгарликка тортилиши лозимлиги, Жиноят кодекси 188, 189-моддалари биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун жазо ўтаётган шахсларга нисбатан жиноят ишлари Жиноят-процессуал кодекси 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилиши, мазкур шахслар эса, жавобгарликдан умуман озод қилиниши лозимлиги, Қонун амалга киритилгунга қадар ҳукм қилинган, бироқ жазони ўтаб бўлмаган шахсларга нисбатан, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги

---

---

олиб ташланмаган шахсларга нисбатан суд қарорларини Қонунга мувофиқлаштириш масаласи Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда юқори инстанция суди томонидан кўриб чиқилади" деб тушунтириш берилди.

Демак, жиноят қонунини орқага қайтиш кучига эгаллиги ҳақидаги норма амалий ишлари суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суднинг иш юритишда (биринчи, апелляция, кассация, назорат инстанцияларида) бўлган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Қайд этиш лозимки, турли тузилишга эга бўлган жиноятлар таркибларига нисбатан жиноятнинг содир этилиш вақтини белгилашда муайян муддат орасида содир этиладиган жиноятларнинг вақтини аниқлаш масаласи муҳим амалий аҳамиятга эга. Жумладан, такроран, давомли, узоққа чўзилган жиноятларнинг содир этилиш вақтини аниқлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишда жиноятларнинг тугаган вақтидаги қонун қўлланилиши лозим.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Қайд этиш лозимки, жиноят қонунчилигидаги бир қатор нормаларни жиноят деб баҳолаш учун маълум бир миқдордаги зарар келиб чиққан бўлиши керак. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганда жиноят таркибини берувчи миқдор, суриштирув, тергов ёки ишни судда кўриб чиқиш даврида энг кам ойлик иш ҳақини ошиши натижасида жиноят таркибини берувчи миқдорни ташкил этмаса, жиноят иши Жиноят-процессуал кодекси 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилиши лозим. Яъни амалда шундай қилмишни содир этганлик жинорий жавобгарликка тортиш учун белгиланган миқдорни бермайди ва жиноят ҳисобланмайди. Демак, ишни судда кўриш вақтида жиноят ҳисобланмайдиган қилмиш учун жинорий жавобгарликка тортиб бўлмайди. Ҳукм чиқиб, қонуний кучга киргунга қадар агар энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ошиши натижасида қилмиш жиноят таркибини берувчи миқдорни ташкил этмаса жиноят иши Жиноят-процессуал кодекси 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилиши лозим. Аммо миқдорни ўзгариши билан боғлиқ жиноятлар фақат ҳукм қонуний кучга киргунга қадар бўлган ишларга татбиқ этилиши лозим. Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасига асосан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда жиноят қонунини орқага қайтиш кучига эгаллиги жиноят қонуни принципларига тўла мос келиб, шахс ҳуқуқлари ҳимоясини мустақкам ҳуқуқий кафолати бўлиб ҳисобланади.

---

#### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. <http://lex.uz/docs/2105724>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Тошкент. "Адолат", 1997 й. 24-б (Comments on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Tashkent. "Justice", 1997 p 24).
3. <http://lex.uz/docs/2105724>